**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги**
**Миллий Антидопинг агентлиги**
**марказий аппаратининг вакант лавозимларига қўйиладиган**
**МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

| ***Допинг назорати бўлими бошлиғи*** | | |
|---|---|---|
| **Маълумот** | Олий (номзод допинг назорати соҳасида юқори малакага эга бўлган тақдирда истисноли холатда – ўрта-махсус ёки тугалланмаган олий) | *Камида бакалавр даражасига эга бўлиши лозим.* |
| **Мутахассислик** | Тиббиёт, фармацевтика, биология, педагогика, психология соҳалари мутахассислари устуворликка эга | *Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлган тақдирда тиббиёт, фармацевтика, биология, педагогика, психология соҳалари мутахассислигига эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.* |
| **Меҳнат стажи** | 2 йил | *Камида 2 йил стажга эга бўлиши лозим* |
| **Давлат тилини билиши** | Давлат тили | *Суҳбат жараёнида оғзаки ва ёзма нутқда фикрларини узвий ифода эта олиши лозим. Бунда Танлов комиссияси таркибига ташкилот раҳбарининг Давлат тили бўйича маслаҳатчиси аъзо сифатида киритилиб, у томонидан баҳоланади. Қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.* |
| **Хорижий тилни билиш даражаси** | Инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиши афзалликлар беради | *Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлиб қолган тақдирда бутунжаҳон антидопинг агентлигининг расмий тилида (инглиз) эркин сўзлашув ва ёзма кўникмаларига эга ва хорижий тилни билиш даражаси белгиланган IELTS, TOEFL, IBT, CEFR каби сертификатларнинг даражасига қараб юқори даражага эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.* |
| **Компьютер саводхонлиги** | Компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича етарли билим ва | *Word, Excel, PowerPoint, Access каби иловалар ҳамда Интернет тармоғида ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим. Номзоднинг тест синови* |

| | | |
|---|---|---|
| | кўникмаларга эга бўлиши, MS Office дастурий тўплами ҳамда Интернет тармоғидан фойдалана олиши | *босқичида АКТ йўналишида берилган саволларга жавоби суҳбат жараёнида инобатга олинади. Бунда тест синови натижаси бўйича қўйиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади. Тест синови саволлари таркибидаги АКТ йўналиши вазни ташкилот томонидан белгиланади.* |
| **Қўшимча талаблар** | Соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш тажрибаси, доимий равишда малакасини оширганлиги | *Спорт мусобақалари ва ўқув-машғулотлар давомида допинг назоратининг тўлиқ циклини ташкил этиш, бошқариш ва амалга ошириш; - Допинг назоратига тайёргарлик ва бевосита бажариш жараёнида халқаро спорт федерацияси, Халқаро олимпия ва паралимпия қўмиталари, Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг расмий вакиллари (техник директорлари, антидопинг менежерлари) билан доимий алоқа ва мулоқотда бўлиш, ташкилий масалалар ва муаммоларни келишув асосида хал қилиш; - Спортчилардан пешоб ва қон (томир ичидан) допинг-синамаларини олиш; - Хушмуомилалик, тартиблик, руҳан қатъийлик, жамоада ҳамда мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлиш; - Юқори ташкилотчилик қобилияти ва тафсилотларга эътиборли бўлиш; - Одоб-аҳлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш; - Зарур холатларда иш кунидан ташқари вақтда (эрта тонгда, кечаси ва/ёки дам олиш куни) ишлашга тайёр бўлиш (бошқа куни дам олиш шаклида компенсация қилиниши шарти билан); - Худудларга спортчилардан допинг-синамалар олиш учун қисқа муддатли хизмат сафарига боришга тайёр бўлиш; - Номзод ҳамда унинг яқин қариндошлари спортчи эмаслиги, спорт ташкилотларида ишламагани ва уларга ҳеч қандай алоқадор бўлмаслиги керак (бу вазият Бутунжаҳон антидопинг кодексига кўра манфаатлар тўқнашуви ҳисобланиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади); - Синов муддати ёки меҳнат* |

| | | |
|---|---|---|
| | | *фаолиятининг биринчи ойи ичида Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва Халқаро тестлаш ва тергов-суриштирув бўйича стандарт талабларига биноан допинг назоратини мустақил ташкил этиш ва спортчидан допинг-синамасини мустақил олиш бўйича аккредитациядан ўтказилади. Аккредитациядан муваффақиятли ўтмаган ходим синов муддатидан ўтолмаган деб ҳисобланиб, у билан меҳнат шартномаси бекор қилинади;* |

| *Допинг назорат бўлими бош мутахассиси* | | |
|---|---|---|
| **Маълумот** | Олий (номзод допинг назорати соҳасида юқори малакага эга бўлган тақдирда истисноли холатда – ўрта-махсус ёки тугалланмаган олий) | *Тугалланган ўрта-махсус ёки олий маълумот.* |
| **Мутахассислик** | Тиббиёт, фармацевтика, биология, педагогика, психология соҳалари мутахассислари устуворликка эга | *Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлган тақдирда тиббиёт, фармацевтика, биология, педагогика, психология соҳалари мутахассислигига эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.* |
| **Меҳнат стажи** | 0 йил | *Соҳа бўйича меҳнат стажига эга мутахассис устуворликка эга* |
| **Давлат тилини билиши** | Давлат тили | *Суҳбат жараёнида оғзаки ва ёзма нутқда фикрларини узвий ифода эта олиши лозим. Бунда Танлов комиссияси таркибига ташкилот раҳбарининг Давлат тили бўйича маслаҳатчиси аъзо сифатида киритилиб, у томонидан баҳоланади. Қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.* |
| **Хорижий тилни билиш даражаси** | Инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиши афзалликлар беради | *Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлиб қолган тақдирда бутунжаҳон антидопинг агентлигининг расмий тилида (инглиз) эркин сўзлашув ва ёзма кўникмаларига эга ва хорижий тилни билиш даражаси белгиланган IELTS, TOEFL, IBT, CEFR каби сертификатларнинг даражасига қараб юқори даражага эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.* |
| **Компьютер саводхонлиги** | Компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши, MS Office дастурий тўплами ҳамда Интернет тармоғидан фойдалана | *Word, Excel, PowerPoint, Access каби иловалар ҳамда Интернет тармоғида ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим. Номзоднинг тест синови босқичида АКТ йўналишида берилган саволларга жавоби суҳбат жараёнида инобатга олинади. Бунда тест синови натижаси бўйича қўйиладиган балл* |

| | | |
|---|---|---|
| | олиши | *Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади. Тест синови саволлари таркибидаги АКТ йўналиши вазни ташкилот томонидан белгиланади.* |
| **Қўшимча талаблар** | Соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш тажрибаси, доимий равишда малакасини оширганлиги | *Спортчилардан пешоб ва қон (томир ичидан) допинг-синамаларини олиш; - Хушмуомилалик, тартиблик, руҳан қатъийлик, жамоада ҳамда мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлиш; - Юқори ташкилотчилик қобилияти ва тафсилотларга эътиборли бўлиш; - Одоб-аҳлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш; - Зарур холатларда иш кунидан ташқари вақтда (эрта тонгда, кечаси ва/ёки дам олиш куни) ишлашга тайёр бўлиш (бошқа куни дам олиш шаклида компенсация қилиниши шарти билан); - Худудларга қисқа муддатли хизмат сафарига боришга тайёр бўлиш; - Номзод ҳамда унинг яқин қариндошлари спортчи эмаслиги, спорт ташкилотларида ишламагани ва уларга ҳеч қандай алоқадор бўлмаслиги керак (бу вазият Бутунжаҳон антидопинг кодексига кўра манфаатлар тўқнашуви ҳисобланиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади); - Синов муддати ёки меҳнат фаолиятининг биринчи ойи ичида Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва Халқаро тестлаш ва тергов-суриштирув бўйича стандарт талабларига биноан допинг назоратини мустақил ташкил этиш ва спортчидан допинг-синамасини мустақил олиш бўйича аккредитациядан ўтказилади. Аккредитациядан муваффақиятли ўтмаган ходим синов муддатидан ўтолмаган деб ҳисобланиб, у билан меҳнат шартномаси бекор қилинади;* |